

Рамзиддин ИСАКДЖАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
ЮНЕСКО кафедраси катта ўқитувчиси

ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ФАЙЛАСУФЛАР ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Мусулмон Шарқининг йирик файласуфи ва илоҳиётчиси Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059 – 1111) Эроннинг Тус шаҳрида косиб оиласида таваллуд топган. Дастлабки таълим-тарбияни Тусда, сўнгра Журжонда олган. Ўз даврининг машҳур олими – Абу Наср ал-Исмоилий қўлида ислом асослари билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганади.

Ғаззолий ислом тарихида янги афлотунчилик мактабига қарши турган буюк шахс эди. Фақиҳ, мутакаллим, файласуф ва ориф Ғаззолий фиқҳ илмини Росконийдан ўрганади. Журжонда Исмоилий мазҳабидаги Абу Қосимдан таълим олди. Энг катта устози ўша замон Ашъария таълимотининг йирик мутакаллими Жувайний эди. Тасаввуф билан назарий ва амалий танишуви ўша замоннинг энг йирик суфийси Формазий (ваф. 1084) раҳбарлигида бўлган.

Ғаззолийнинг ҳаётида Султон Маликшоҳ Салжуқийнинг вазири Низом-ул-мулк билан бўлган мулоқоти муҳим аҳамиятга касб этган. Ўша вақтда Қоҳирадаги Фотимий халифалар Шиа йўналишининг Исмоилий оқимига мансуб бўлиб, расмий сунна ва Аббосийлар билан кураш бошлаган эдилар. Бунга қарши мафкуравий кураш мақсадида Низом-ул-мулк калом илми ўқитиладиган олий даражадаги бир неча мадрасаларни таъсис этди. Халифалик ҳудудида ташкил этилган бундай мадрасалар Низомия деб аталар ва уларда Шофеъия фиқҳи ва Ашъария каломи жиддужаҳд билан ўқитиларди. Жувайний 1085 йилгача Нишопур низомиясига раҳбарлик қилгач, уни истеъдодли шогирди Ғаззолийга топширади. Ғаззолий дин йўлида ва расмий сунна маорифини тарқатишда жонбозлик кўрсатади.

Ғаззолий 5 йил давомида (1091 – 1095) Бағдоддаги Низомияда муваффақият билан фиқҳ ва каломдан дарс беради. 1092 йилда Низом-ул-мулкнинг Исмоилийлар томонидан ўлдирилиши Ғаззолийнинг дарс беришдан кўнгли совишига сабаб бўлади. У 1093 ва 1094 йилларда суфийлик тариқатига киради ва Сурия, Фаластин, Ҳижозга сафар қилиб, 11 йилдан кейин Нишопурга қайтади ва дарс бериш билан шуғулланади.

Ғаззолий умри давомида ҳақиқатга эришдирадиган илм борми ёки йўқмилиги ҳақидаги саволга жавоб қидирди. Аввалларида у илм ҳис-туйғу ва зарурий нарсаларни идрок этишдан келиб чиқишига ишонган. Аммо кейинчалик бундай қарашдан воз кечади. Чунки ҳис-туйғудан келиб чиққан илм муайян ҳукм чиқаришга асос бўлса-да, кейинчалик ақлан тузатилиши ёки айбланиши мумкин. Масалан, сояга қараб, унинг сокинлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз. Аммо тез орада бундай эмаслигини тан олишга мажбур бўламиз. Ёки юлдузга қараб унинг тангадек экани ҳақида ҳукм чиқарамиз. Ваҳоланки, илми нужумнинг гувоҳлик беришича, юлдузнинг ҳақиқий андозаси курраи заминдан бир неча баробар катта.

Агар ҳиссий идрокка асосланган илм ишончли бўлмаса, унда зарурият, очиқ-ойдин кўриниб турган нарсаларга таянган илм ҳам ишончли бўлмаслиги мумкин. Ғаззолийни ақл ва ҳис-туйғуга асосланган илм ўртасидаги фарққа доир масалалар кўп ўйлантирган.

Маълум бўладики, ҳис-туйғу ақл ҳукми билан шубҳага олинади. Агар шундай бўлса, ақлдан юқори турган илм йўқмики, унинг далилари ошкор бўлганда ақлга асосланган илм ўз эътиборини йўқотса? Бу масалада туш яхши мисолдир. Тушда кўпинча идрок ва тажрибаларимиз воқеликка эга. Аммо уйғонишимиз билан бу ишонч барбод бўлади. Эҳтимол, бизнинг бедорликдаги ва ўлгандаги ҳаётимиз солиштирилса, уйқудагидан кўра яхшироқ вазиятга эга бўлмаса керак. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) айтган эканлар: "Одамлар уйқудадирлар, ўлган вақтларида бедор бўладилар."

Ғаззолийнинг айтишича, шак ва шубҳа балоси икки ой давомида унинг дилини хуфтон қилади. Охирида ўзининг саъй ҳаракати билан эмас, балки "худо унинг дилини бир нур билан ёритдики унинг ўзи кўпгина маълумотларнинг калити эди" ва унинг баракотида ўша сафсата беморлигидан шифо топади. Энди у бу нур далил ва исботга тааллуқли бўлмасдан, балки илоҳий раҳмат эканини тушунган эди.

Ғаззолий исломдан ҳақиқат изловчиларни тўрт гуруҳга ажратиб, улардан бири эҳтимол унинг ҳақиқий моҳиятига етган бўлса керак, деб ўйлайди. Агарда улардан ҳеч бири бундай ҳақиқатга эришмаган деб ҳисобланса, у вақтда ҳақиқат қидириш беҳудадир. Бу тўрт гуруҳ қуйидагилардан иборат: мутакаллимлар, исмоилийлар (ботинийлар), файласуфлар ва суфийлар.

Калом илмининг мақсади динни ва расмий маорифни унга бўлган бидъатона ҳамлалардан ҳимоя этиш бўлганидан Ғаззолий буни биринчи бўлиб ўрганади. Мутакаллимлар бу масалада шундай манбалардан фойдаландиларки, ҳақиқатда унга ишониб бўлмаса ҳам, унинг келтирилган хужжат ва "китоб" билан алоқаси борлигидан қабул қилар эдилар.

Исмоилийларнинг таълимоти ҳам ҳақиқат қидиришга бўлган иштиёқни қондира олмади. Муаллим ва мураббийсиз ҳақиқат маърифатига эришиб бўлмайди деган қараш улар таълимотининг моҳияти эди. Фақат таълими шубҳа туғдирмайдиган муаллим ёки улар тили билан айтганда, "имом"гина ҳақиқат томон тўғри йўлни кўрсата олади.

Ғаззолий ўзидан олдин тадқиқотчилар орасида шундай шахс бўлмаганига ишонч ҳосил қилгач, бу ишга ўзи киришади. У Бағдодда 300 талабага дарс бериш билан бирга фалсафий асарлар мутолааси билан жиддий машғул бўлади. Ўзининг қайд этишича, 2 йил давомида Худонинг ёрдамида барча фалсафий илмларни эгаллайдики, натижада "Мақосидул-фалосифа (Файласуфларнинг мақсадлари)" номли китоб ёзади. Китобда исломий янги афлотунчилик мактабининг асослари моҳирона шарҳ қилинганидан, XIII аср Оврупо тадқиқотчилари асарни янги афлотунча оқимга тааллуқли, деб ҳисоблашган. Бундай фикр янги даврда ҳам давом этиб, кўпчилик Ғаззолийни Ибн Сино ва бошқалар каби ҳақиқий янги афлотунча ақидадаги шахс, деб ҳисоблашади. Ғаззолийнинг фалсафа соҳасидаги самарали ишларидан бири Арасту мантиғи тўғрисидаги "Меъёр ал-илм" асаридир. Асар "Файласуфларнинг мақсадлари" ва "Файласуфларга қарши" китоблари сингари мутакаллимлар билан файласуфлар орасидаги ақидавий курашда муҳим аҳамият касб этди.

Ғаззолийнинг «Таҳофут ал-фаласифа»ни ёзишга дин ҳимояси ундаганини қайд этади. Чунки бир эркин фикрловчи гуруҳ пайдо бўлиб, қадимги дунё фалсафасини Суқротдан тортиб Арастугача кўкларга кўтариб мақтаб уларни ҳам ўзларидек, худосиз деб биладилар. Ваҳоланки, ушбу файласуфларнинг таълимотларини чуқурроқ ўрганганларида «қадимги ва янги файласуфларнинг ҳар бирининг маънавияти» икки диний асосга, яъни Худонинг борлиги ва жазо кунининг ҳаққонийлигига боғлиқлигини идрок этган бўлардилар. Бундай эътиқоднинг моҳияти ҳаммада бир хил бўлса-да ташқи кўринишлари бир-биридан фарқ қилган.

Ғаззолий фикрича, диний илмлар нуқтаи назаридан фалсафий илмлар қаторига киради-ган риёзиёт ва мантиқ бир-бирига бутунлай мос келади. Аммо файласуфларни хато ва адашишга бошлайдиган табиатшунослик ва метафизика (ма баъд ал-табиа)га ўхшаш илмлар бидъатлар асосидадир.

Ғаззолийнинг айтишича, оламнинг азалийлиги масаласида файласуфлар уч нуқтаи назардадирлар:

1. Қадимги ва янги замон фалсафий доираларининг кўпчилиги назарича, олам азалийдир;

2. Афлотун фикрича, жаҳон замонда яратилгандир;

3. Жолинус (Гален) фикри бу масалада муаллақ, яъни бир тўхтамга келмаган (айтишларича, Жолинус қарашлари унинг «Жолинус эътиқодлари» номли китобида келтирилган.)

Ғаззолий дунёни азалий деб тушунганлар назариясини рад этиб, олам Худонинг иродаси ёки азалий ҳукмига мувофиқ замонда яратилганини таъкидлайди.

Риёзиёт далиллари ҳам янги афлотунчилар қарашларини рад этишга сабаб бўлади. Оламнинг азалийлиги мантиқан шундай заруратни тақозо этадики, сайёралар ва улардаги барча нарса чексиз тарзда айланиши лозим. Аммо бу айланишларни риёзиёт ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Масалан, қуёш бир йилда бир марта тўлиқ айланади, Зуҳал (Сатурн) сайёраси ҳар 30 йилда, Муштарий (Юпитер) сайёраси ҳар 12 йилда, саккизинчи осмон ёки фалакул кавокиб (галактика) ҳар 36 минг йилда бир марта айланади. Шу сабаб сайёралар айланиши чексиз бўлиб, чексиз замонда рўй беради деган фараз, шубҳасиз, бу далилларга қаршидир.

Бундан ташқари бундай айланишлар сони тоқ ёки жуфт бўлганидан, чегаралангандир. Чексизлик эса, жуфт ҳам, тоқ ҳам эмас. Негаки, чексиз равишда унга бир рақамини қўшиш мумкин, демак у, бенаҳоялигича қолади. Боз устига, янги афлотунчилар жоннинг чексиз миқдорда танҳо ўзи ва ёки ажралган ҳолда мавжуд бўлиш имкониятига ишонганлар. Ибн Сино уни тушунтиришга бошқалардан кўпроқ ҳаракат қилган. Ваҳоланки, бир чексизликни тасаввур қилиш мантиқий қарама-қаршиликка эга.

Ғаззолий Ибн Синонинг худо оламга нисбатан замонда эмас, балки ўз зотига кўра азалийдир, деган далилини рад этиб, олам Унинг томонидан замонда яратилганини қатъий ҳимоя қилади. Унинг фикрича, Худо оламга нисбатан азалийдир, деганимизда, олам ҳали вужудга келмаган пайтда ҳам худо мавжуд эди, деган қарашни кўзда тутган бўламиз. Худованд ўзининг вужуди билан оламни давом эттирди. Бундан икки воқейлик келиб чиқади. Биринчиси, худонинг мавжудлиги ва унинг оқибатидаги икки мавжудлик: худо мавжудлигининг давомийлиги ва олам мавжудлиги. Замоннинг пайдо бўлиши эса, хаёлий ўйинимиздирки, бизни бу икки мавжудликни бир-бирига замон риштаси билан боғланишда кўришимизга олиб келади.

Аммо олам яратилмасдан олдин, имконият сифатида мавжуд эди, деган фикр янги афлотунчиларга тааллуқли эмас. Бундай қарашга мувофиқ қадимдан зотий жиҳатдан мавжуд бўлган имконий нарсага зарурият туғилади. Бундай ҳолатда имконнинг ўзигагина эмас, балки бир-бирига қарама-қарши икки: вожиб(зарурий) ва мумтанаъ (мумкин бўлмаган) нарсага эҳтиёж туғиладики, бу ошкора бемаъниликдир.

Исломий нуқтаи назардан эҳтимол энг баҳсли масала илоҳий илмлар жумласидан худонинг жузъий илмлардан бохабарлигини инкор этишдир. Қуръони мажид бу ҳақда (“Сабо” сураси, 3-оят) тушунтирадики, ҳеч нарса, ҳатто «Осмонлар ва ердаги заррачалар ҳам» худо четда қолмайди. Ибн Сино каби фикрловчи файласуфлар ақидасича, худо ўз зотидан паст бўлган ашёлар ҳақида илмга эга. Шунга кўра, унинг илми «умумий»дир, яъни «жузъий» илм каби замон ва маконда чегараланган эмас. Шунингдек, худо бирор воқеадан, (масалан, Қуёш тутилишидан) унинг олдин ва кейин содир бўлишидан бир лаҳзалик тарзда ёки замонсиз илмга эга. Зеро, олдиндан тутилишига сабаб бўладиган воқеалар силсиласидан бохабардир. Худди шунингдек, айрим олинган шахс, масалан, Умар ёки Зайд «умуман инсон» тушунчасидан бохабар бўлгани учун, уни билади. Умуман билиш, яъни замон ва макон шароитидан қатъий назар тушунишдир. Айрим олинган шахсни бошқалардан айруучи жузъий ёки оразий сифатлар, ёки муайян замон ва маконда содир бўладиган нарсалар ҳис-туйғу тажрибасининг мавзусидирки, худо улардан юқори ва аралашмайдиган ҳолатдадир.

Ғаззолий ўзининг раддия ва фош этишларида шундай натижага келадики, худонинг илми замон ва макон шароитидан қатъий назар, мавжуддир. Шу билан бирга, илоҳий илм билан боғлиқ жузъий нарсалар эришган ютуқларни инкор этмайди. Бу илм тарзидан келиб чиқадиган зарурият билувчи (Худо)нинг зотидаги ўзгариш сабабидан эмас, балки унинг илми билан илм мавзуси (маълум)нинг ўртасидаги алоқадандирки, у мудом ўзгариб туради.

Унинг сабабият ҳақидаги баҳси деган фақат мантиқий зарурият тақозо этиладиган жойдан бошқа ҳолларда сабаб ва оқибат истилоҳини ишлатишнинг ҳожати йўқ сўзлар билан бошланади. Маълумки, шундай зарурат овқат ейиш ва тўйиш, ўтга тегиш ва куйиш, бошдан жудо бўлиш ва ўлиш каби ҳодисалар ўртасида юз берсагина унинг кераги йўқ. Табобат, илми нужум (астрономия) ва ҳунармандчилик ўртасидаги сабаб-оқибатларнинг бир-бирига

боғлиқлиги фақат худо томонидан амалга оширилади. Бундай бир-бирига боғлиқлик мантиқий жиҳатдан бузилиши ва унинг таъсирида оқибат деб аталган нарса келиб чиқиши мумкин. Масалан, бошида сокитлик ҳолатида бўлган, ҳеч қандай сабабларга боғлиқ бўлмаса ҳам, келиб чиқиши мумкин бўлган ҳодисани мусулмонлар умумий ном билан мўъжиза деб атайдилар. Мисол тариқасида олов ва пахтани келтириш мумкин. Файласуфлар ақидасича, олов пахта куйишининг сабабидир. Ғаззолий таъкидича, бу жараённинг ҳақиқий омили худо бўлиб, бу ишни бевосита ўзи ёки фаришталар орқали бажаради. Олов бежон бўлганидан бирор нарсанинг ҳақиқий сабаби бўла олмайди. Файласуфлар далил сифатида фақат шуни ёниш олов билан тўқнашиш асосидагина рўй беришини кўрсата оладилар. Аммо мушоҳада шуни исботлайдики, ёниш олов билан тўқнашиш сабаби эмас, балки оқибатидир ва у ёниш имконини берадиган танҳо сабаб эмасдир.

Ҳайвонот оламида мавжуд бўлган ҳаёт ва тараққиётни олиб кўрайлик. Ҳаёт бирламчи тўрт сифатнинг (намлик, қуруқлик, иссиқлик ва совуқлик) оқибати эмас, балки жониворлар нутфасидаги идрок этиш ва ҳаракатга келтириш қувватидир. Худди шунингдек, она раҳмига нутфа ташловчи ота ҳам бола ҳаётининг, унинг эшитиш, кўриш ва бошқа идрок этиш хислатларининг сабаби эмасдир. Буларнинг сабаби биринчи вужуд бўлган худованду мутаъолдир. Йирик файласуфлар фикрича, табиий сабаб ва оқибатлар учрашувидан келиб чиқадиган ораз ёки бошқа воқеалар ниҳоят натижада «воҳиб ас-сувар», яъни фаришта ёки ажратувчи жавҳарга боғлиқдирки, модда бирор суратни қабул қилишга тайёр бўлгандан кейин, ундан «жавҳарий шакллар» келиб чиқади.

Хулоса қилганда, Ғаззолий файласуфлар қарашларини рационал тарзда тушунтириб беришга уринади. У мантиқий йўллар билан азалийлик ва абадийлик масалалари, материя ва моҳият ҳақидаги ҳақиқатларни тушунтириб беради. Масаланинг мураккаблиги шундаки, мусулмон олимларининг қарашлари юнон файласуфлари қарашларига мос келмаган жиҳатларни тушунтиришда Ғаззолий мантиқ илмининг “Қиёс” ва “Бурҳон” каби усулларидан фойдаланган.

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда эканликларида ёнларига келиб: “Менга жаннатга яқинлаштирадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган ишларни айтинг”, – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Яккаю ёлғиз Аллоҳга ибодат қил, Унга ширк келтирма, намоз ва закотни адо эт, қариндошларинг билан алоқани узма”, – дедилар”.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу айтдилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам битта бармоқларини эгиб: “Раҳм сўзи Аллоҳ таолонинг Раҳмон номидан (шу бармоғимдек) униб чиққан бир шохчадир. Уни биров узмаса, Аллоҳ таоло узмайди ва ким узиб қўйса, Аллоҳ ҳам уни узиб ташлайди. Қиёмат куни раҳмга Аллоҳ таоло фасоҳатли, ўткир ва очиқ сўзлайдиган тил беради”, – дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтдилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло ҳузурида қабул қилинади: мазлумнинг дуоси (гарчи у бошқа динда бўлса ҳам), мусофирнинг дуоси, ота-онанинг фарзанди учун қилган дуоси”, – дедилар”.

Абу Курайма Миқдод ибн Маъди Кариб Киндий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитдилар: “Аллоҳ таоло сизларга оналарингизга яхшилик қилишни буюрди”. Бу сўзни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч маротаба такрор қилдилар. Кейин: “Оталарингизга ва ундан кейин яқинроқ бўлган қариндошларингизга ҳам яхшилик қилишни буюрди”, – дедилар.

Абу Усайд розияллоҳу анҳу сўзлаб бердилар: “Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдик, бир киши: “Эй Расулуллоҳ, ота-онага вафотларидан кейин ҳам қилинадиган хайрли ишлар борми? - деб сўради. Расулуллоҳ: “Ҳа, тўрт нарсада бор: уларни дуо қилиш ва улар учун истиғфор сўраш, уларнинг аҳдларини (васиятларини) амалга ошириш, уларнинг дўстларини ҳурмат ва икром қилиш, уларнинг иккиси туфайли қарор топган қариндошлар билан алоқаларни узмаслик”, – деб жавоб қилдилар”.